

---

Кўчма савдолар аҳолига қулайлик яратиш учун ташкил этилмоқда  
Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёж на вақтга, на  
вазиятга қараб ўзгаради.

Айни пайтда Ўзбекистон туманида аҳолидан уйда қолиш, кўчага чиқмаслик  
сўралар экан, албатта уларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва зарурий буюмларга  
бўлган эҳтиёжларини қондириш чораларини кўриш, имкон қадар шароит яратиш  
тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда.

Туман ҳокимлиги, сектор раҳбарлари ва фуқаролар йиғинлари масъуллари  
томонидан, маҳаллаларда ташкил этилаётган кўчма савдолар бугунги вазиятда,  
аҳоли учун ҳар жиҳатдан қулайлик яратмоқда.













2020-04-22 18:25:42